



УДК 631.6: 631.8: 628.179 (999.1)

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКПОРТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Erkinov Shohjaxon Dilmurod o'g'li**  
Raqamli iqtisodiyot.

**Ibragimova Madina Farxod qizi**  
Agrologistika va biznes fakulteti, Buxgalteriya hisobi,  
tahlil va audit yonalish. 2-kurs.

**Umirzoqov O'rolbek Yorqul o'g'li**  
Toshkent Davlat Agrar Universteti Agrolagistika va Biznes fakulteti  
Marketing yonalishi 4 kurs talabasi.

**Djorayev Ilhom Raimjon o'g'li**  
Toshkent davlat agrar universteti Agrolagistika va biznes fakulteti  
axborot tizimlari va texnologiyalari yonalishi 3-kurs talabasi.

**Аннотация:** Республикамиз иқтисодиётини ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш жуда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш эса ўз навбатида унинг илмий асосларга таяниб иш юритади. Бугунги кунга келиб бу борада соҳани ривожлантиришда жуда кўплаб чора тадбирлар олиб борилмоқда.

**Таянч иборалар:** назарий билим, илмий асос, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экспорт, иқтисодий самарадорлик, экспорт салоҳияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.

**Аннотация:** Экспорт сельскохозяйственной продукции играет очень важную роль в развитии экономики нашей республики. Совершенствование системы экспорта сельскохозяйственной продукции, в свою очередь, базируется на ее научных основах. На сегодняшний день в связи с развитием отрасли предпринимается множество мер.



**Ключевые слова:** теоретические знания, научная основа, сельскохозяйственная продукция, экспорт, экономическая эффективность, экспортная компетентность, аграрная экономика.

**Abstract:** The export of agricultural products plays a very important role in the development of the economy of our republic. Improving the system of export of agricultural products, in turn, is based on its scientific foundations. To date, many measures are being taken in this regard in the development of the sector.

**Key words:** scientific basis, agricultural products, export, economic efficiency, export competence, agricultural economy, theoretical knowledge.

Кейинги йилларда табиий ресурсларнинг камайиши аҳоли сонинг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни кескин орттириб юбормоқда. Бунинг натижасида аҳолининг ялпи талабини қондириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ЖООА маълумотларига кўра, сўнгги 25 йил давомида қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонлари бор-йўғи 2%га ошиб 1,5 млрд.гектарни ташкил этган, мева-сабзавотлар ва картофелга ажратилган ерлар майдони 45% ошган<sup>92</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги даврда, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини таъминланлашда мева-сабзавотларнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда ҳам етарли даражада муҳим ўринга эга. Хусусан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилга келиб Ўзбекистон ўртачадан юқори даромадларга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради ва озиқ-овқат, айнан, мева-сабзавотга бўлган эҳтиёжи янада ортиб кетиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, пахтадан бўшаган экин майдонларида сабзавот ва картошка, озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилиши ҳамда экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга ошириш

<sup>92</sup> <http://faostat3.fao.org>





кўзда тутилмоқда. Бунда ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ошириш назарда тутилади”.

Шунинг учун, жаҳонда ушбу соҳада юз бераётган тенденцияларни, мева-сабзавотларни етиштиришни, қайта ишлаш қувватларини унумли жойлаштириш, экспорт қилишни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ушбу соҳада мажуд муаммоларни аниқлаш а уларни ечиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистон олма, узум, нок, шафтоли, гилос каби хўл меваларни экспорт қилиш бўйича етарли потенциалга эга. Таҳлилларга мурожат этадиган бўлсак, Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар маҳсулотларининг бор-йўғи 500-700 минг тоннаси, у ҳам бўлса асосан яқин Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.<sup>93</sup> Бунининг асосий сабаблари сифатида транспорт харажатлари юқорилиги ва бозорларда мева-сабзавот импортида санитария ва гигиена, қадоклаш, сертификатлаш масалаларида талабларнинг қатъий эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Ўрта ва узоқ истиқболида эса узоқ хориж ва Европа бозорини ҳам ўзлаштириб бориш устувор вазифаларидан бири саналади.

*Мамлакат экспорт салоҳиятининг юксалишида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. Аграр сектор экспорт салоҳияти – қулай табиий-иқлим шароити, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, нисбатан ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражаси билан изоҳланади.*

*Мева-сабзавот маҳсулотлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий экспорт маҳсулотларидан ҳисобланади. Ҳар йили Ўзбекистон заминиде етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари хориж бозорларида сотилади.*

*Хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошишида асосий омиллардан ҳисобланади. МДХ мамлакатлари ичида*

<sup>93</sup><http://www.cer.uz/upload/iblock/507/smabpirl%20srly%20ru%2026082013.pdf>

*хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ўзбекистонда мазкур соҳада улкан, етарли даражада фойдаланилмаётган салоҳият мавжуд.*

*Ўзбекистон Республикаси минтақаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ташқи савдо борасидаги давлат сиёсати қатор мақсадларни кўзлайди. Экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашиш ва унинг номенклатурасини кенгайтириш, хорижга рақобатбардош товарлар ва хизматлар етказиб бериш самарадорлигини ошириш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг хавфсизлигини таъминлаш асосий мақсадлардан ҳисобланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари:

- Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва кадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш;
- Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғлар ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималлаштириш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш;



- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш;

- Қишлоқ хўжалиги экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мос янги селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг жаҳон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига глобаллашуви самарадорлигини ошириш, бу жараёнга кириб бориш иқтисодий интеграцион тузилмалар шакли ва механизмини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида ечилиши лозим бўлган қатор муаммо ва вазифалар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш, республикамиз аграр соҳаси экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган маҳулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари, агрофирма ва хусусий корхоналар фаолиятини мажмуали ва тизимли ёндашув асосида таҳлил этиш воситасида соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш йўллари асослашни, долзарб этиб қўймоқда.

Республикамизда аграр соҳа тармоқлари ишлаб чиқариши таркибий тузилишини диверсификациялаш, фермер хўжаликлари моддий-техник базасини такомиллаштириш ва модернизациялаш, ресурс-тежамкор технологияларни жорий этиш асосида мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш механизмнинг жорий этилиши – соҳа экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга, аграр соҳа экспорт таркиби ва географиясини ўзгартиришга шароит яратди.



Қишлоқ хўжалиги тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим омилларидан бири агрокластрларни ривожлантириш ҳисобланади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;
- тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;
- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шакллланганлиги каби хусусиятлар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги;
- сифат даражасининг пастлиги;
- қадоклаш, ўраш ва ёрлиқ талабларига кам эътибор қаратилаётганлиги;
- маҳсулотларни сақланиш муддатларининг қисқалиги;
- «экспорт харажатлари»нинг ортиб борётганлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти таркибида қайта ишланган мева- сабзавот маҳсулотлари экспорти улушини ошириш учун, соҳада қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- республикамызда фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот қайта ишловчи корхоналар рақобат- бардошлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳада технологик модернизация ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қайта ишланган мева-сабзавот



маҳсулотларининг экспорт нархларининг бошқа давлатлар айнан шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пастлигини таъминлаган ҳолда, рақобатбардошлигини таъминлаш;

➤ қайта ишлаш корхоналарида фойдаланилаётган дастгоҳ ва жиҳозларни модернизациялаш, талабга жавоб бермайдиган технология ва ишлаб чиқариш жараёнларини ресурстежовчи тамойиллар асосида қайта шакллантириш ва бошқалар.

Республикамиз аграр соҳа экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари:

➤ республикамиз ҳудудлари ресурс салоҳияти, табиий иқлим шароити ва нисбий афзалликларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишга устуворлик бериш;

➤ мева-сабзавот ва узум етиштирувчи хўжаликларни кооперативларга бирлаштириш, шу асосда соҳа экспорт салоҳиятини ошириш, мева ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритиш жараёнини самарали ташкил этган ҳолда, соҳани технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга шароит яратиш;

➤ мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараён учун идиш ва махсус мослаштирилган контейнерлар етказиб бериш тизми ва унинг инфратузил- масини такомиллаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш, бунинг учун эса, республикамизнинг мева- сабзавот ва узум етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда ушбу маҳсулотларни ўраш ва жойлашда фойдаланиладиган идиш ва ўраш материаллари ишлаб чиқаришни ҳамда уларни узоқ ва қисқа муддатларда сақлаш имконини берадиган омборхоналар ташкил этиш;

➤ фермер хўжаликалари раҳбар ходим ва мутахассисларининг маҳсулот экспорти тўғрисидаги билими ва амалий кўникмасини оширишни тизимли равишда ҳудудлар бўйича ташкил этишни йўлга қўйиш;

➤ тариф ва нотариф воситалари ёрдамида маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилишни давом эттириш.

Таҳлиллар натижасида кўришимиз мумкинки, мева-сабзавотларни етиштириш ҳажми бўйича Ўзбекистон етакчи мамлакатлар қаторига аллақачон





кириб борганлигига қарамай, уларнинг хосилдорлиги бўйича анча муаммолар борлигини кузатиш мумкин. Мева-сабзавот экспортига эътибор берадиган бўлсак бунда фақат ўрик ва карам бўйича ижобий ҳолатни кўриш мумкин, бошқа мева-сабзавотлар экспорти эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятига мутлақо мос келмайди. Шунинг учун, юқорида келтирилганидек, мева-сабзавотлар экспорти бўйича ишларни кучайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, чунки мева-сабзавотларнинг экспортини рағбатлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини, маҳаллий бюджет тушумлари кўламини ошириш мумкин бўлади, бу эса ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашда яхши самара беради.

Шу ўринда галдаги асосий вазифа юқорида такидланганидек, Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг импорти асосан Россия ва Қозоғистонга тўғри келишишбу мамлакатлардаги мева-сабзавотларга асосий талабни билиш ва уша бозорлардаги нархларни ўрганишмуҳим аҳамиятга эга. У ердаги бозорларни атрофлича таҳлил қилиш мева-сабзавот экспортини тартибга солиш ва уни самарали олиб бориш имконини беради. Шу билан бир қаторда республикамиз ва унинг ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш, экспорт қилиш ва истеъмол салоҳиятидан унумли фойдаланиш мазкур соҳанинг самарадорлигини кескин оширади. Бунинг учун ҳудудларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш учун молиявий ресурсларни мақсадли равишда ажратишни кенгайтириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва агрологистика инфратузилмасини ривожлантириш устувор йўналишларни белгилаб олиш;
- ҳудудларда халқаро стандартларга мос даражада сертификатлаш ва лицензиялаш ишларини йўлга қўйиш, мазкур соҳага оид марказларини ташкил этиш ва уларни жадаллаштириш,;
- юқори потенциалли йирик мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликларни ташкил этиш бунда асосан деҳқончиликка ихтисослашган ҳудудларда мева-



сабзавотни сақлаш, сотиш, қайта ишлаш ва экспорт билан шуғулланадиган агрофирмаларни кўпайтириш;

➤ соҳа мутахассислари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича консалтинг фирма ва муассасаларни шакллантириш;

Юқорида келтирилган таҳлиллар натижасида соҳа доирасида ечимини кутаётган мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ҳал этиш мамлакатимизнинг озиқ-овқат хусусан, мева-сабзавотчилик тармоғида салоҳиятдан кенг фойдаланиш республикамиз аҳолисини турмуш фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи компанияларнинг ташқи бозордаги фаолияти муваффақиятли бўлиши замирида халқаро маркетинг тамойилларига тўлиқ риоя қилиш билан бирга оқилона маркетинг тадқиқотини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абатуров В. Продовольственная опасность. //Экономическое обозрение. Ташкент, 2017. №8. с.50-54. 3. Муҳитдинова У.С. Методология и методика оценки эффективности функционирования рынка плодоовощной и виноградной продукции. // Экономика и финансы. Москва. 2018 - №11 (150) ноябрь. с. 68-69.
2. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятини кундалик қондаси бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон,2017.
3. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.
4. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.
5. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // Вестник Финансового университета, 1999, №3



6. Шибаев М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015, № 5-1.

7. Касаткина Е. А., Градобоев В. В. Основные черты международной маркетинговой политики в современных условиях. Транспортное дело России, 2012, №6-1

8. Шейман С. В. Нужны ли бизнесу маркетинговые исследования// Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. № 4 (84). 2007

9. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

10. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

11. [www.fao.org](http://www.fao.org)

